

ОАВ жамият ҳаётига таъсир этувчи қудратли куч

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган мустақкам ҳуқуқий асос яратилган. Унинг тобора такомиллашиб бориши, шубҳасиз, соҳа тараққиётига хизмат қилмоқда. Оммавий ахборот воситалари имкониятларининг янада кенгайгани, Интернет-журналистиканинг тез суръатлар билан ривожланиб бораётгани, айти пайтда мамлакатда олти мингдан ортиқ сайт мавжудлиги, улар орасида газета ва журналлар, ахборот агентликларининг ҳам электрон версиялари борлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг норматив ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масаласига алоҳида тўхталди. Ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этиш, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустақкамлаш, журналистларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб, мезонлар даражасига босқичма-босқич кўтаришга қаратилган ҳуқуқий механизмларни яратиш вазифаларини устувор қилиб қўйди.

Таъкидлаш керакки, бу парламент зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Айти пайтда, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ўз дастурий ғояларидан келиб чиқиб, мазкур масалада қарашларини илгари сурмоқда. Шу ўринда биз ЎзЛиДеП вакилларининг айрим нуқтаи назарларини ва фикрлари билан келиша олмаслигимизни таъкидламоқчимиз. Масалан, уларнинг ОАВни либераллаштириш, йирик медиакорпорациялар, медиахолдинглар ташкил этиш тўғрисидаги фикрларини олайлик.

«Ривожланган мамлакатлар аллақачон шундай йўл тутишган. Демак, биз ҳам шунга ўтишимиз керак. Қолаверса, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзи шуни тақозо этаяпти», деб улар ўз фикрларини исботлашга уринишлари мумкин. Тўғри, ривожланган мамлакатларда йирик медиакорпоратсиялар, медиахолдинглар фаолият кўрсатади.

Аммо, масаланинг иккинчи жиҳатини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Модомики, биз оммавий ахборот воситаларимизни ривожланган давлатлар ОАВ даражасига олиб чиқмоқчи эканмиз, уларнинг тажрибасини, ютуқ ва камчиликларини ҳақиқатан ҳам чуқур ўрганишимиз талаб этилади.

Бугун ОАВ ривожланган, либераллашган, хусусий нашрлар кўп бўлган мамлакатлардаги ахборот тарқатиш усуллари ва масъулияти қай даражада экани ҳамда бунинг яхши-ёмон томонларидан хулоса чиқариб олмоғимиз керак.

Кўпгина мутахассислар АҚШ, Европа, Осиё ва Африканинг қатор мамлакатларида юзага келган маънавий инқироз ўсиб келаётган авлод тақдирига таҳдид солаётганига айнан ОАВни айблашмоқда. Ҳеч кимга сир эмас, хусусий нашр ёки телестудия эгаси аввало кўпроқ фойда кўришни ўйлайди. Пул топиш ва бойликка муккасидан кетган айрим ОАВ эгалари ҳеч нарсадан тап тортмаётганига ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бизда маънавият масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Қизларимизнинг ҳаёли, иболи бўлиши, йигитларимиздаги орият, ғурур энг олий қадриятларимиздан ҳисобланади. Ота-она ва фарзанд, устоз ва шогирд ўртасидаги ўзига хос фазилатлар, ёшларнинг қарияларга ҳурмати — булар ҳаммаси биз асраб-авайлайдиган миллий қадриятларимиз-ку. Аммо ташкил этиладиган корпорация ва холдинглар бизнес мақсадларини биринчи ўринга қўйиб, ахборот тарқатишни пул топишнинг асосий манбаига айлантириб олса, истаган ахборотини, айниқса шов-шувли, одамлар орасига нифоқ соладиган, миллий манфаатларимизга зид хабарларни тарқата бошласа бунинг оқибати яхшиликка олиб келмайди.

Ана шу мулоҳазаларни ҳисобга олиб, биз ахборот тарқатиш соҳасида рақобатни ривожлантириш билан бирга, бу борада масъулиятни ошириш, ахборотнинг ишончли манбасини яратиш масаласини илгари сураёلمиз. ОАВни либераллаштириш жараёнида ижтимоий-сиёсий нашрлар, радио ва телеканаллар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашнинг мақбул механизмларини яратиш тарафдоримиз.

Аввалги чақирикда парламентимиз Солиқ кодексини янги таҳрирда қабул қилди. Кодекс лойиҳасининг Қонунчилик палатасидаги муҳокамалари чоғида бизнинг фракциямиз аъзоларидан бири журналистлар, ижодкорларнинг қалам ҳақи (гонорар)га солиқ имтиёзини кучайтириш масаласини кўтарган эди. Бугун ҳам биз ижтимоий-сиёсий йўналишдаги оммавий ахборот воситаларига молиявий имтиёзлар бериш тарафдоримиз. Қолаверса, таҳририятларнинг замонавий коммуникация воситаларидан фойдаланиш имкониятларини ҳам кенгайтириш зарур.

Бизнинг фикримизча, ОАВ нафақат ахборот тарқатувчи тизим, айна чоғда халқимизнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, миллий ғояни ўсиб келаётган авлод онгига сингдириш, улар қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шундай экан, оммавий ахборот воситаларини

ривожлантириш, фаолятини такомиллаштириш масалаларига либералларча ёндашадиган бўлсак, яъни улар айтаётгандек, ўнгу сўлга қарамай ОАВни либераллаштиришга киришиб кетсак, эртага қатор муаммоларга дуч келишимиз мумкин.

**Ҳафиза КАРИМОВА,
Дилбар ХОЛИҚОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари**

*«Ўзбекистон овози» газетаси,
2010 йил 30 март, 39-сон*